Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

16 январь 1972 йил, якшанба ✦ № 13 (15.184). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Тошкент областининг Оққўрғон районидаги Войтинцев номли колхозининг комплекс механизациялашган звеноси аъзоларидан У. Мухторов ва М. Норқулов ўтган йили 100 тоннадан пахта терib бердилар. Шу кунларда илғор механизаторлар техника ремонтини тезкорлик билан олиб бормоқдалар. Чунки ҳадемай баҳорги ишлар бошланиб кетади. Суратда: У. Мухторов ва М. Норқулов иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ВА 1972 ЙИЛ ПЛАНЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ленин орденли Фарғона областининг меҳнаткашлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш, мамлакат нинг экономикасини янада мустаҳкамлаш ва совет халқининг фаровонлигини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни олдилар:

фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида собиткадамлик билан иш олиб бориб, саноатда меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан 1972 йил давлат планини муддатидан илгари 24 декабрда бажарамиз. Йиллик пландан ташқари 25 миллион сўмлик саноат маҳсулотини реализация қиламиз.

Ишлаб чиқариш жараёнларини тобора механизациялаш ва автоматлаштириш, ишчиларнинг малакасини ошириш, илғор меҳнат усулларини кенг ёйиш йўли билан бир йил ичида меҳнат унумдорлигини планда кўрсатилганига нисбатан 2 процент кўпайтиришни таъминлаймиз 1972 йилда 1200 та янги машина-ускуна, 40 автомат поток линия ўрнатамиз ҳамда уларни ўзлаштирамиз, ишлаб турган машина-ускуналарнинг 800 тасини модернизация қиламиз. Оғир қўл меҳнатини механизациялаш йўли билан унинг салмоғини 10 процент камайтирамиз. Янги техникани жорий қилиш ва машина-ускуналарни модернизация қилиш йўли билан бир йилда камида 2,5 миллион сўмни тежаймиз.

Корхоналарнинг коллективлари меҳнатни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор бериб, НОТнинг 155 плани ва 845 тадбирини ишлаб чиқаришга жорий қилиш мажбуриятини оладилар. Бу тадбирлар ни бажариш натижасида 1,5 миллион сўм иқтисод қилинади.

Саноат корхоналарининг инженер-техник ходимлари ва ишлаб чиқариш новаторлари беш йилликда техникани тараққий эттириш учун шахсий ҳисса қўшишга интилиб, 1972 йилда рационализаторларнинг 5200 таклиф ва ихтироларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва шу йўл билан бир йилда 5,7 миллион сўмни тежашга қарор бердилар.

Маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш соҳасидаги ишни кучайтириб, маҳсулот турларини кўпайтириб, янги маҳсулотнинг 180 хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз ва буюмларнинг камида 11 турини давлат сифат белгисини олишга тақдим этамиз. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида пландан ташқари кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни камида 5 миллион сўмлик миқдорда кўпайтирамиз.

Саноат ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланиш, шунингдек хом ашё ва меҳнат сарфларини кўпроқ тежашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш йўли билан маҳсулотнинг таннархини 2 миллион сўмдан кўпроқ тежашга эришамиз ва пландан ташқари 6,7 миллион сўм фойда оламиз.

Саноат корхоналари, транспорт ва алоқа коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, реализация қилинадиган маҳсулотнинг ҳажми бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари, 1975 йилнинг 5 декабрида бажариш ва бу маҳсулотнинг ҳажмини 40 процент кўпайтиришни таъминлашга аҳд қилдилар. Беш йиллик планга қўшимча равишда 100 миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотини реализация қиламиз. Беш йилликда меҳнат унумдорлигини 40 процент кўпайтиришни таъминлаймиз. Беш йиллик мобайнида пландан ташқари тайёрланадиган ҳамма маҳсулотни меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқаришни таъминлаймиз.

Капитал қурилишни индустриал соҳасидаги ишни кучайтириш, лойиҳа ва сметаларнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларидан ва қурилиш техникасидан тўлароқ фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш йўли билан капитал қурилиш беш йиллик планини муддатидан илгари, 1975 йил 5 декабрда, 1972 йил планини эса 27 декабрда бажаришга эришамиз.

Техникани тараққий эттириш тадбирларини амалга ошириш, кўл билан бажариладиган ишларни механизациялаш, прогрессив конструкциялар, буюм ва материалларни ишлатиш йўли билан беш йилликда меҳнат унумдорлигини камида 38 процент оширишга эришамиз. 1972 йилда меҳнат унумдорлигини планда белгиланганига нисбатан 0,4 процент кўпайтирамиз, қурилиш-монтаж ишлари таннархини планда кўрсатилганига нисбатан камида 1 процент камайтирамиз.

Қурилиш-монтаж ва пардозлаш ишларининг сифатини яхшилаш соҳасида мунтазам иш олиб бориб, барча уй-жой ва маданий-маиший объектларни «яхши» ва «аъло» баҳо билан фойдаланиш учун топширишга эришамиз.

Беш йилликда Қўқондаги хром чарм заводини ва Фарғонадаги сунъий қўй-чарм материаллар комбинатини, Қувасойда шиша идиш ва чинни идиш заводларини ишга туширамиз, Марғилондаги «Атлас» фирмасини, шойи ва пайпоқ-йигирув комбинатларини, Қувасой цемент комбинатини, азотли ўғит заводи ва химиявий тола заводини реконструкция қилишни тугаллаймиз.

Фарғона темир йўл бўлимининг коллективи юкларни жўнатиш йиллик планини 28 декабргача бажариш ва пландан ташқари меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан камида 150 минг тонна халқ хўжалик юкларини ортиб жўнатиш мажбуриятини олади. Янги техникага доир 23 тадбир, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга доир 9 план ва 124 тадбир, шунингдек рационализаторларнинг 600 таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Автомобилларда юк ташиш йиллик планини 24 декабргача бажарамиз, пландан ташқари 255 минг тонна халқ хўжалиги юклари, 630 минг пассажирнинг ташилишини таъминлаймиз. Юк ташиш планини ошириб бажариш, моддий воситаларни тежаб сарфлаш йўли билан пландан ташқари 165 минг сўм фойда оламиз. Меҳнат унумдорлигини 7 процент оширамиз. Областдаги автомобилчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб юк ташиш беш йиллик планини муддатидан илгари, 1975 йил 22 ноябрда ва пассажирлар ташиш планини 1975 йил 18 декабргача бажариш мажбуриятини оладилар.

Беш йиллик даврида меҳнат унумдорлигини камида 40 процент ошириш мўлжалланди. Йўлларни қуриш ва ремонт қилиш йиллик плани 1972 йил 21 декабргача бажарилади.

Алоқа хизмати бўйича йиллик планнинг 1972 йил 25 декабргача бажарилишини таъминлаймиз. Қишлоқ жойларда 1500 номерли 4 автомат телефон станциясини муддатидан илгари, 1972 йил 20 декабргача фойдаланиш учун топширамиз.

1972 йилда аҳолига коммунал маиший хизмат ҳажмини 1,2 баравар оширамиз 18,5 километр узунликдаги водопровод шохобчаларини, шунингдек троллейбус хўжалиги комплексини ишга туширишни таъминлаймиз.

Беш йилликда аҳолига коммунал хизмати ҳажмини 1970 йилда эришилган даражага нисбатан 13 процент кўпайтирамиз, 8 аммом ва кирхона ҳамда 2 та меҳмонхона биносини қуриб фойдаланишга топширамиз. 745 километр узунликда газ қувури қурамиз. 77 минг квартирани газ билан таъминлаймиз.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари область қишлоқ хўжалигига оталиққа олиш йўли билан ёрдам бериш юзасидан тузиб чиққан перспектив планларига мувофиқ қўклам-ёз фаслидаги қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда, насос станциялари, артезиан қудуқларини қуришда, чорвачилик ва паррандачилик фермаларини механизациялаштиришда, шунингдек оммавий-маданий тадбирларни амалга оширишда амалий ёрдамни кучайтирамиз.

Фарғона областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини бажара бориб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини ва 1972 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

БУ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР МЕҲНАТКАШЛАР КОЛЛЕКТИВЛАРИДА МУҲОКАМА ЭТИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ИЙГИЛИШИДА МАЪҚУЛЛАНГАН.

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН ФЕРМАЛАР ИШГА ТУШДИ

Чимбойдаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида юз бош қора молга мўлжалланган типовой ферма қурилиб бўлди. Бу фермада сермеҳнат ишларни транспортерлар, озуқа ўлашадиган, молларни суғорадиган автоматлар бажаради. Сут соғиш комплекси ҳам ўрнатилди. М. Жуманазаров номидаги совхозда ҳам 200 бош сигирга мўлжалланган механизациялашган ферма фойдаланишга топширилди. Бу фермага хашаклар, қирқилган ўтлар етарли миқдорда келтириб қўйилди.

* * *

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон колхозлари ва совхозларида механизациялашган сут-товар фермалари оз эмас, деди республика «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг вакили ЎзТАГ мухбирига. Қишлоқларда ҳар бир 100-200 сигирга мўлжалланган «кичик сут фабрикалари» қуриш кенг авж олиб кетди. Бундай фермаларда чорвадорлар меҳнатини механизм комплекси бажаради.

Масалан, бултур республика хўжаликларида 253 та ферма ишга туширилди, 3,80 мингтадан зиёд ёки планда кўрсатилганига қараганда, анчагина кўп электр двигателлар ўрнатилди. Бундай қишлоқ хўжалик корхоналарининг сони тўққизинчи беш йиллигининг охирига бориб 1100 дан ошиб кетади. Шундай қилиб, ҳар бир колхоз ва совхознинг механизациялашган ўз фермаси бўлади.

Фермаларни ускуналамоқ учун «Ўзсельхозтехника» бирлашмасининг қурилиш-монтаж бошқармалари ва механизациялашган кўчма колоннаси ҳузурида фермалардаги механизмларни ўрнатиб ва ишлатиб бераётган, тажрибали ремонтчилар билан таъминланган махсус бригадалар тузилди. Бундай бригадалар чорвадорларнинг механизмлардан яхшироқ фойдаланишига ёрдамлашмоқдалар — механизациялашган 763 та фермани шу бригадалар техникавий назорат қилиб туришни ўз зиммаларига олдилар.

ТРАКТОРЛАР ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхозда 35 та чопиқ ва ҳайдов тракторларининг ҳаммаси устахонада ремонтдан чиқариб тайёр қилиб қўйилди. Қабул комиссияси ремонт сифатига юксак баҳо берди.

Хўжалик яхши ишлаб чиқариш базаси ташкил қилганлиги сабабли мутахассислар қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиб кўкламга тайёрлаш ишларини пухта бажардилар. Колхоз устахонасида энг янги технологик ускуналар, кўтаргич механизмлар, тажрибали ремонтчилар бор. Бу ерда ремонт ишларини бажариш муддати икки бараварга яқин қисқартирилди. Колхоз Сирдарё областида биринчи бўлиб машиналар ва иш қуролларини кўкламги экишга тахт қилиб қўйди.

Гулистон, Дўстлик, Зомин, Пахтакор районларининг хўжаликларида ҳам техникани ремонт қилиш яхши йўлга қўйилган. Сирдарё областининг ремонтчилари шу кунгача беш минг тракторни кўкламги дала ишларига шайлаб бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигига қарашли корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг тўққизинчи беш йиллик ва 1972 йил планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Министрликка қарашли автомобиль транспорти, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари коллективлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирдилар.

Министрлик корхоналари коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида плани ва социалистик мажбуриятларни асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарди, москваликлар ва ленинградликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар, партия ва ҳукумат рекламаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар. Улар янада юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш, меҳнат унумдорлигини, юк ва пассажир ташиш, соноат ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, барча ички резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш, янги техникани ва прогрессив технологияни жорий этиш, меҳнатни илмий ташкил қилиш асосида тўққизинчи беш йиллик ва 1972 йил планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қуйидаги социалистик мажбуриятларни ўз зиммаларига олдилар:

— юк ва енгил такси машиналарида юк ва пассажир ташиш давлат беш йиллик плани муддатидан илгари — 1975 йил 10 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 9 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилади ва енгил таксиларнинг 27 миллион километр йўл босиши таъминланади;

—саноат маҳсулотини реализация қилиш беш йиллик плани 1975 йил 15 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади;

— 200 миллион сўмлик асосий фондлар, шу жумладан 81 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой бинолари ишга туширилади;

— пландан ташқари 2 миллион сўм фойда олинади;

— юк машиналарида юк ташиш, автобуслар ва енгил такси машиналарда пассажирлар ташиш, саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари бўйича 1972 йил плани 27 декабрда бажарилади;

— пландан ташқари 2 миллион тонна халқ хўжалик юклари ташилади, беш йилликнинг барча энг муҳим объектлари ва қуришларида юк ташиш планининг бажарилиши таъминланади;

— автобуслар ва такси машиналарида аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти оширилади ва пландан ташқари 10 миллион пассажир ташиш таъминланади;

— йўлга чиқариладиган автомобиллар сони автомобиль ремонтини ва ундан фойдаланишни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига тасдиқланган планга қараганда 1 процент кўпайтирилади;

— пландан ташқари 200 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади;

— қурилиш бошқармалари ва участкаларнинг объектларни «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топшириб, планга қўшимча равишда 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариши таъминланади;

— оммавий касбдаги 6.800 кишининг малакаси оширилади ва 6000 III- класс шофёр тайёрланади;

— умуман министрлик системаси бўйича меҳнат унумдорлиги белгиланган топшириққа қараганда 1 процент оширилади.

— пландан ташқари 500 минг сўм фойда олинади.

БИР ЙИЛДА ИККИ ҲОСИЛ

Сурхондарё областининг ёш ғаллакорлари «Қизил юлдуз» колхозининг Тўра Қулсоатов бригадаси аъзоларининг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Бу бригада аъзолари суғориладиган ерларда донли экинлардан бир йилда икки марта ҳосил олиш учун мусобақани бошлаб бердилар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маъқуллаган термизлик комсомолларнинг ташаббуси кенг қулоч ёзмоқда. Область колхоз ва совхозларида эллиқдан кўпроқ комсомол-ёшлар ғаллачилик бригадалари ташкил қилинди. Бу бригадалар учун 3,5 минг гектар суғориладиган ер ажратилди.

БУХОРО ГАЗИ ҚИРҒИЗИСТОНДА

Бухоро— Тошкент, Фрунзе —Олмаота газ қувурининг марказий диспетчерлик пунктида Фрунзе — Тўқмоқ тармоғига газ юборилди. Узунлиги 69 километр келадиган янги магистралдан Урта Осиёдаги энг йирик Тўқмоқ шиша заводининг печига ёқилғи юборилди. Газ ҳар ойда тўрт эшелон кўмир ўрнини босади.

Бу йил Ўзбекистоннинг табиий газини Қирғизистоннинг иккинчи корхонаси олди. Қадамжой сурма комбинати биринчи бўлиб газ билан таъминланган эди. Энди қўшни республиканинг шифер — цемент комбинати билан қанд заводлари газ олади.

*

ЕР ОСТИ ГАЗ ОМБОРИ



Тошкентдан сал нарироқда Совет Иттифоқидаги энг йирик ва Урта Осиёда ягона Полторацкий ер ости газ омбори жойлашган. Омборда ёз фаслида кўпроқ «зангори олов» йиғиб олинади. Қиш фаслида эса мана шу омбордан газ етишмаган жойларга, айниқса йирик саноат шаҳарларига, шунингдек, Тошкент, Чимкент, Фрунзе ва Олмаотага бетўхтов газ юборилиб турилади.

Бу водир газ омбори 6 йилдан бери ишлаб турибди. Ана шу давр ичида Полторацкий ерости газ омбори тажриба станциясининг инженер-тадқиқотчилари бу соҳада катта тажриба орттирдилар.

Маълумки, табиий газни ер ости омборида сақлаш усулининг истиқболи жуда кенг. Ҳозирги кунда Тошкент яқинида яна бир табиий газ омбори қуриш ишларини бошлаб юбориш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Ана шундай ер ости омборлари Фарғона водийсида ҳам қурилиши мўлжалланмоқда. Суратларда: Полторацкий газ омбори компрессор установкасининг старший машинисти, коммунистик меҳнат зарбдори коммунист Т. Бойназаров. У станцияда ҳалол меҳнати билан ҳурмат топди. Унг томондаги суратда эса газ омборида махсус қурилмалар ёрдамида табиий газни ишлаш ва тозалаш жараёни тасвирланган.

В. Лейзерович фотоларн, (ЎзТАГ).

РАСМИЙ АХБОРОТ

МАМЛАКАТНИНГ ИЧКИ СУВЛАРИДА БАЛИҚ ОВЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР ҳукумати «Мамлакатнинг ички сувларида балиқ урчитишни ва кўплаб балиқ овлашни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилди. Янги беш йиллик план топшириқларига мувофиқ давлат балиқчилик саноати йўли билан ҳам, шунингдек совхозлар ва колхозлардаги сув манбаларида балиқ урчитишни интенсивлаштириш, балиқ урчитиб берадиган, балиқ етиштирадиган жойлар ва заводлар қуриш йўли билан ҳам балиқчиликни янада ривожлантириш ҳамда ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришни таъминлайдиган бошқа чораларни кўришга доир чора ва тадбирлар комплексини амалга ошириш мўлжаллаб қўйилган.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Балиқчилик министрлигига ва СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига мамлакатнинг ички сув ҳавзаларида балиқ урчитишни ва кўплаб балиқ овлашни анча яхшилаш чораларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш вазифаси топширилди.

Балиқ урчитиб кўпайтириладиган 55 та корхона ва ишлаб чиқариш-иқлимлаштириш базаларини қуриш ва реконструкция қилиш, хўжаликларнинг балиқ боқиладиган ҳавзаларини 1,6 баравар кўпайтириш, балиқ овлашга мосланган кўл хўжаликлари вужудга келтириш ва балиқлар табиий урчийдиган жойларда балиқчилик хўжалигига тааллуқли мелиоратив ишларни ўтказиш, шунингдек кўпайтириш учун балиқ етказиб берадиган 34 та зона питомниклари мўлжаллаб қўйилди.

Мана шу чораларнинг ҳаммаси кўл ва ҳовузларда балиқчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар берадиган балиқ маҳсулотини беш йил ичида тахминан 1,5 баравар кўпайтириш ва шундай хўжаликларнинг сувларида етиштириладиган товар балиқни 2,7 баравар кўпайтиришга имкон беради.

Кўл ва ҳовузларда балиқчилик билан шуғулланаётган юқори малакали ишчилар учун 1-2-класс «Балиқчилик усталари» деган унвон, балиқчи мутахассислар учун 1 ва 2-класс балиқчилар деган унвон жорий қилинди ва уларнинг иш ҳақига тариф ставкасининг ёки мансаб окладининг 20 проценти миқдорида 1-класс унвони учун ва 10 процент миқдорида 2-класс унвони учун қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди.

Тегишли ташкилотларга мамлакатнинг ички сув ҳавзалари корхоналарида ишлаб турган балиқчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Бундан буён мамлакатда янги сув омборлари, ҳовузлар ва ҳавзаларни лойиҳалаш ва қуриш ишларида балиқчилик хўжалигини ривожлантириш манфаатини ҳисобга олиш зарур деб топилди.

ИДИШ КЎПАЯДИ

Идишга бўлган эҳтиёжни таъминлаш билан алоқадор проблемаларни ҳал этишда картон, полимер, қайта-қайта ишлатса бўладиган юпқа тахтадан ясалган идишларни қўллаш ҳозирги вақтда асосий техникавий йўналиш бўлиб қолди.

Идиш ва идишбоп материалларнинг тежамли турларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мана шу беш йиллик давомида идишбоп картондан яшиклар тайёрлаб берадиган ва йилига жами 672 минг тонна картонни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ихтисослаштирилган корхоналар ва цехлар қурилиб ишга туширилади. Янги идиш ишлаб чиқариладиган ва қайтиб келган идишни ремонт қилиб берадиган, шунингдек, буклама картон ва унден яшиклар ишлаб чиқаришга керакли ускуналарни ишлаб берадиган корхоналар учун ёғочсозлик ускуналари ишлаб чиқаришни ривожлантириш чоралари мўлжаллаб қўйилди.

Корхоналари идиш ва идишбоп материаллар ишлаб чиқараётган СССР министрликларига, идораларига ва Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига идишлар ишлаб чиқариш ва ремонт қилиш техника даражасини ошириш, идишларнинг ва идишбоп матераллларнинг сифатини анча яхшилаш, уларни амалдаги стандартларга, техникавий шартларга тўла мувофиқ равишда ишлаш, шу билан бирга идишбоп материалларнинг, биринчи галда ишга керакли ёғочнинг сарфланишини камайтириш вазифаси топширилди.

Белгилаб қўйилдики, СССР Госснаби ҳузуридаги идиш хўжалиги бўйича идораларо кенгашнинг идиш хўжалигини ривожлантириш соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини координациялашга ва техника сиёсатини белгилашга оид қарорлари барча министрликлар ва идоралар учун мажбурийдир.

РАНГЛИ ТЕЛЕВИДЕНИЕГА КЕНГ ЙЎЛ

«Халқ истеъмол қиладиган радио моллар ишлаб чиқаришни 1971—1975 йилларда кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда рангли телевидениени ва стереофоник радиоэшиттиришни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Халқ харид қиладиган радио моллар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва мамлакатда рангли телевидение ва стереофоник радиоэшиттиришни ривожлантириш чоралари белгилаб берилди.

СССР Министрлар Совети тегишли министрликлар зиммасига оқ-қора ва рангли кўрсатувларни қабул қиладиган телевизорларнинг янги типларини, стереофоник қабул қилувчи ва ёзилган овозни эшиттирувчи аппаратларни, радиоприёмникларнинг, радиолаларнинг ,магнитолалар, электрофонларнинг, магнитофонларнинг ва акустик системаларнинг негиз моделларини, шунингдек улар учун керакли материалларни комплектлаш деталлари ва узелларини яратиш ва кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этишни таъминлаш вазифасини юклади.

Химия саноати министрлигига магнит лента ишлаб чиқариш ва уни магнит лентасига ёзиб оладиган рўзғор аппаратлари ишлаб чиқарувчи министрликларга ва СССР Савдо министрлигига етказиб бериш топширилди. СССР Маданият министрлигига эса стереофоник ижро этишга мўлжалланган граммафон пластинкалари ишлаб чиқаришга, шунингдек ғалтакли ва кассетали магнитофонларга стереофоник фонограммалар ишлаб чиқаришга доир топшириқлар берилди.

СССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига марказий телевидениенинг рангли кўрсатувларини кўрсатиш вақтини кўпайтириш топширилди.

Ушбу беш йилликда Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек Ленинград, Новосибирск ва Горький шаҳарларида рангли телевидениенинг маҳаллий программаларини кўрсатадиган телевидение студиялари барпо қилиш кўзда тутилди.

ЮК ТАШИШДА КОНТЕЙНЕРЛАР ИШЛАТИЛАДИ

СССР ҳукумати КПСС XXIV съездининг Директиваларида кўп юк сиғадиган контейнерларни жорий этиш йўли билан юкларни контейнерларда ва пакетларда ташишни кенгайтириш юзасидан кўзда тутилган топшириқлар бажарилишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда ҳозирги техника даражасига мувофиқ келадиган контейнерларни, айниқса кўп юк сиғадиган контейнерлар ҳамда поддонларни, шунингдек уларни элтиш, ортиш ва туширишда ишлатиладиган ихтисослаштирилган воситаларни кенг кўламда жорий этиш асосида меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни жуда оз сарфлаган ҳолда қимматли юклар ўз вақтида ташилишини, йўлда яхши сақланиши ва тезроқ етказиб берилишини таъминлаш министрликлар ва идораларнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги айтилган.

Тегишли ташкилотларга шу беш йилликда универсал ва ихтисослаштирилган контейнерлар, шунингдек, поддонлар ва юк пакетловчи бошқа воситаларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар берилди.

Темир йўл станцияларида, денгиз ва дарё портларида (пристанларида) ҳамда юк автомобиль станцияларида янги, шу жумладан кўп юк сиғадиган контейнерлар билан ишлашга мўлжалланган контейнер пунктлари (майдонлари)ни қуриш ва мавжуд пунктларни реконструкция қилиш кўзда тутилади.

Контейнер ва пакет ташийдиган денгиз ва дарё кемалари, темир йўл платформалари ва автомобиллар, шунингдек зарур мехсус кўтаргич транспорт машина-ускуналарини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш чоралари белгилаб берилди.

Контейнерларга солинган юкларни халқаро миқёсда ташишни ривожлантириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Йўллар министрлиги системасида юкларни контейнер ва пакетда ташувчи хўжалик ҳисобидаги Бутуниттифоқ бирлашмаси ташкил этилмоқда. Шу бирлашмага юкларни темир йўл ва аралаш транспортда универсал контейнерлар билан поддонларда ташилишини планлаштириш ва ташкил этиш вазифаси топширилди. СССР Госплани ҳузуридаги комплекс транспорт проблемалари институти зиммасига мамлакат иккарисида ва халқаро миқёсда контейнер транспорт системаси билан ва пакетда ташиш комплекс тараққиётини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва техникавий иқтисодий жиҳатдан асослаш билан шуғулланувчи бош ташкилот вазифаси юклатилди.

АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИКА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

«Гражданларга қарашли енгил автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларига техника хизмати кўрсатиш корхоналари шохобчаларини яратишни тезлаштириш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Шу беш йилликда ҳар бир иттифоқдош республикага гражданларга қарашли енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатувчи кенг станция шохобчаларини қуриш юзасидан топшириқлар белгилаб берилди. Мамлакатимизнинг қарийб 400 шаҳрида шундай станциялар яратиш кўзда тутилади.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область ва шаҳар Советларининг ижроия комитетларига, шаҳар ва ишчи посёлкаларида шундай станциялар қуриш учун аҳолига қулай ва ободонлаштирилган йўллари, водопроводи, канализацияси, иссиқ сув ва электр таъминоти бўлган ер участкаларини белгиланган тартибда ажратиб бериш вазифаси топширилди.

Тегишли ташкилотларга гражданларнинг енгил автомобиль запас қисмларига бўлган талаблари қондирилишини таъминлаш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

Шу билан бирга Волжск автомобиль заводининг енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатадиган, ремонт қиладиган ва автомобиль сотадиган ихтисослаштирилган автомобиль марказларини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу автомарказларда бўш қувватлар бўлса, гражданларга қарашли ва мамлакатимизнинг бошқа заводларида ишлаб чиқарилган енгил автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш ишлари ҳам бажариб турилади. (ТАСС).



РЕСПУБЛИКАМИЗДА аҳоли учун кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга кейинги йилларда ало ҳида эътибор берилмоқда. Натижада халқимизнинг ана шундай буюмларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондирила бошлади. Самарқандаги «Кинап» заводининг коллективи ҳам бу соҳада яхши ишларни амалга оширмоқда. Заводнинг кенг истеъмол моллари тайёрланадиган цехида рўзғор трансформаторлари ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Чунки бундай трансформаторларга бўлган эҳтиёж аҳоли ўртасида нун сайин ошмоқда. Суратда: шу цехнинг илғор ишчиси трансформатор йиғишда маҳорат билан ишлаётган М. Зубайдуллаевни кўриб турибсиз. Моҳир ишчи тайёрлаган трансформаторлар ўзининг аъло сифати билан ажралиб туради. Шунингдек, кундалик ва ойлик топшириқларини ошириб бажариб ўз ҳамкасбларига намуна бўлаётир.

А. Кузьменко фотоси (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ОЛДИДАН

Ўзбекистонда бошланган ёшлар илмий-техника ижодиёти республика кўригининг биринчи босқичи СССР барпо этилишининг 50 йиллигига бағишланди. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш ёш новаторлари слёсларини, фан-техника виставкаларини ва конференцияларини ўтказиб туриш мўлжалланади. Ёш рационализаторлар мактаблари ва клублари, тўгараклари, улар учун консультация пунктлари очилади. Кўрикнинг асосий вазифаси ёшларнинг техника ижодиётига қизиқишини, технология жараёнларини такомиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, ҳамма ишда тежаб-тергашга қизиқишни эўрайтиришдан иборатдир.

Ёшлар илмий-техника ижодиёти республика виставкаларига қўйилган энг қимматли асарларнинг авторлари Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг дипломларини, шунингдек пул мукофотларини олдилар. Ёш новаторлар жамоатчилик асосидаги конструкторлик бюролари, илмий-тадқиқот группалари ва лабораториялари, техника ижодиёти клуби ва тўгараклари нинг энг яхши ишлари СССР халқ хўжалик ютуқлари виставкасида кўрсатиш учун танлаб олинади. (ЎзТАГ).

ЧЎЛДА ЎРМОН БЎЛАДИ

Саксовул уруғи йиғувчилар отряди Қизилқумдан қайтиб келди. Бу йил уруғ йиғиш учун обҳаво қулай келди — куз чўзилди. Рекорд миқдорда — планда кўзда тутилганидан қарийб 40 тонна кўп, яъни 430 тонна уруғ йиғилди. Черкез ва кандим каби бута уруғларини тайёрлаш топшириғи ҳам ошириб бажарилди. Шофирнон, Қорақум, Қизилқум ўрмончилик хўжалигининг меҳнаткашлари ана шу муваффақиятга энг кўп ҳисса қўшдилар.

Йиғилган уруғ 40 минг гектардан знёд чўлга сепишга ва Туркманистон ва Тожикистон ўрмончиларига ҳам етади.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

В. П. ВИДРЕНКОГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗАТОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги кўп йиллик, самарали ишлари ва хизматлари учун Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Главзарубежстрой» бошқармасининг бошлиғи Василий Пегасович **Видренкога** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик механизатори» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 14 январь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. СОБИРОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик, самарали илмий-педагогик фаолияти, иқтисодчи кадрлар тайёрлаганлиги учун иқтисод фанлари доктори, профессор, Тошкент халқ хўжалиги институтининг кафедра мудири Ҳикмат **Собировга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 14 январь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Х. МУРОТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭКОНОМИСТ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик, самарали илмий-педагогик фаолияти, иқтисодчи кадрлар тайёрлаганлиги учун Тошкент халқ хўжалиги институти кафедрасининг доценти, илмий ишлар бўйича проректори Хайритдин **Муротовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПУЛАТОВА.

1972 йил, 14 январь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Иван Васильевич **Володининг** меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик ва самарали фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР

Авжи терим палласи эди. Колхоз далаларида тўй ва зангори кема тинимсиз ишлаб турарди. Бу машиналардан 4 тасини эса яқин йилларда ўрта мактабда ўқиб юрган, ўрта маълумот олиб, шу колхозда ишлаш истагини билдирган. кейинчалик механизаторлик касбига ихлос қўйган қизлар бошқаришарди.

Избоскан районидаги «Комсомол» колхозига борганимизда бу хўжаликни райондаги ўртача колхозлардан бири деб тавсифлашган эди. Колхоз иқтисодий жиҳатдан ўртача бўлса-да, бу ерда колхозчиларга ғамхўрлик, уларнинг маданий ва маиший эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун қўрилаётган тадбирлар баъзи иқтисодий жиҳатдан бақувват, донгдор хўжаликлар учун ҳам намуна бўларлидир.

Терим палласида колхозчиларнинг каттадан-кичигигача далада бўлади. Шунинг учун ҳам дала шийпоналарини колхозчиларнинг иккинчи уйи деб аташади. Ростини айтганда, даланинг ўртасига катта бостирма ясаб, дала шийпони деб атайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Лекин бу колхоздаги дала шийпонларининг ҳаммаси типовой лойиҳа асосида қурилган. Уларга олиб борадиган дала йўллари асфальтланган. Шийпонларда эса мавсумий болалар боғча-яслилари учун алоҳида хоналар бор. Аммо журналистлар ҳар кўрганда қалам учига оладиган беланчаклар кўринмайди. Чунки, болалар хоналари шаҳар боғча-яслиларидаги каби жиҳозланган. Кичкинтойлар учун озиқ-овқат ҳам колхознинг марказий боғча-яслисидан келтирилади.

Дала шийпони яқинида душ қурилган. Туш пайтида дам олиш учун стол-стуллар бор. Дала кутубхоналарида китоблар, газета-журналлар мавжуд. Шу ердаги катта кийим шкафида атлас кўйлаклар осиғлиқ турибди. Биринчи бор кўрган киши бу мазарадан ҳайрон қолади. Лекин колхозчилар учун ажабланарли жойи йўқ. Чунки, колхоз правлениесининг қарори билан сувчилар, механизаторларгина эмас, оддий колхозчилар ҳам жомакор билан таъминланган.

Колхоз қишлоғи ҳам тубдан ўзгариб кетди. Колхозчилар янги, шинам уйларда яшамоқдалар. Уй-рўзғор буюмлари ҳам янги уйларга яраша. 450 дан ортиқ колхозчининг уйида телевизор, 600 хонадонда радиогриёмник бор.

Колхознинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга кўпайтириб, таннархини арзонлаштираётганлиги хўжалик даромадини кўпайтирмоқда. Бу эса колхозчиларнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга имкон беряпти. Шунинг натижаси ўлароқ қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший эҳтиёжлари ҳам ортиб боряпти. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти давр талабларини ҳисобга олиб, маданий-маиший объектлар қурилишини авж олдириб юбордилар. Колхозда ҳозир 3 та клуб ишлаб турибди. Иккита медицина пункти, 4 та сартарошхона, этикдўзлик устахонаси колхозчилар хизматида. Хонадонларни тоза сув билан таъминлаш учун 6 жойда артезиан қудуғи қазилган. Ҳаммом қурилиши жадал олиб бориляпти.

Хуллас, партия ва ҳукуматимизнинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотиш тўғрисидаги кўрсатмаси ижчиллик билан амалга оширилаётганлигини шу колхоз мисолида ҳам кўриш мумкин. Колхозчилар эса партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрликларига жавобан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар. Бултурги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. Колхоз 2170 тонна пахта етиштириб, йиллик планни ортиғи билан бажарди. Шундан 49 проценти, ёки 1050 тоннаси машиналар билан териб олинди.

Колхоз правлениесининг раиси Рўзмамат Сулаймонов ва партия ташкилотининг секретари Абдурашид Тўрақулов билан колхоз қишлоғидаги ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашар эканмиз, эртага ҳамма колхозчилар ҳашарга чиқади деб қолишди. Қандай ҳашарлигини сўриштирдик. Маълум бўлишича, бу ерда вақти-вақти билан шанбаликлар ўтказиб турилар экан. Шанбаликда қўчалар, ҳовлилар тозаланади, дарахтлар дориланади. Колхозчиларнинг, бутун қишлоқ аҳлининг ободончилик ва тозалик учун қурашаётганликлари ҳаммани хурсанд қилади.

«Комсомол» колхози аъзолари қишлоқда юксак турмуш маданияти ва фаровон ҳаёт учун дадил юриш бошлаб, янги-янги марраларни эгалламоқдалар.

И. ЗУЛУНОВ.

АХБОРОТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Қаҳрамонлар хиёбони

Улуғ Ватан урушида қорақалпоқ элидан ҳам минглаб навқирон йигитлар қатнашди. Уларнинг кўплари она-Ватан учун жон бериб, фронтдан қайтмади. Қорақалпоғистонлик жангчи йигитлар орасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олганлар анчагина.

Нукус шаҳар марказида қаҳрамонлар хотирасига хиёбон очилди. Хиёбонда Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари М. Балмагамбетов, П. Нурпейсов, И. Ноурязбоев, М. Бўлатов, Ж. Каллиқораев, Н. Сароев, У. Жуманиёзов, О. Берноцкий, А. Симонов, У. Абдуллаев, И. Махорин, А. Пишулин, Ж. Қорақуловларнинг портретлари ўрнатилди. Уларни рассом Г. Колесников ишлаган.

Адибнинг тўйи

«Етимнинг юраги», «Аму бўйида», «Ойгулобод», «Бердах», «Қаерда доктор»... Бу асарлар қорақалпоғистонлик китобхонларга қадрдон. Уларда таниқли адиб Жўлмирза Оймирзаев қорақалпоқ балиқчиси, пахтакори, ишчиси, зиёлисини бор овоз билан мадҳ этади.

Автоном республика завод ва фабрикаларида, колхоз ва совхозларида қорақалпоқ халкининг севимли адиби Ж. Оймирзаевни муборак 60 ёши билан китобхонлар қизғин қутлашди. Учрашувда Жўлмирза Оймирзаев ижодий режалари ҳақида китобхонларга сўзлаб берди.

Ном таратган тоғ

Ўзбекистон картасида Султон—Уиздоғ деб номланувчи тоғ ҳам бор. У Қорақалпоғистон АССР ер ости қазилма бойликларидан яна бир хилини бағрида сақлаб ётганди. Эндиликда Султон —Уиздоғ мармари билан ном таратди. Бу ерда ҳозир мармардан безак блоклари ишлаб чиқарадиган тажриба-саноат корхоналари ишлай бошлади

Шу тоғнинг Зинелбулоқ қонида ясси мармар блоклари тайёрланмоқда. Блоклар Тошкент метрополитени қурилишига пешма-пеш жўнатилаётир.

Механизациялашган ферма

Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида механизациялашган ферма комплекси ишга тушди. Бундай мукаммал ферма сут тайёрлашни кўпайтиришда муҳим омиллардан бири бўлди. Чорвадорларнинг меҳнати енгиллашди. Шундай фермалар энди Автоном республикадаги бошқа нирик хўжаликларда ҳам бунёд этилади.

Ҳисобот концертлари

Жанавназье бўйлаб концерт берган Бердах номли Қорақалпоғистон давлат филармонияси ининг ижодий коллективи ўз репертуарларини грузинча, осетинча ва бошқа куйлар билан бойитдилар. Филармония артистлари ҳозир Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида ҳисобот концертлари берaётирлар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛЬ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ТОШКЕНТ 72 КИНОФЕСТИВАЛИ

Осиё ва Африка мамлакатларининг кинофильмларининг иккинчи халқаро фестивали шу йил май ойида Ўзбекистон пойтахтида бошланади.

Кинофестиваль ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева кино санъатининг ана шу халқаро байрами программаси ҳақида, унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбирига сўзлаб берди.

Тошкент кинофестивали 24 майдан 26 июнгача ўтказилади. Бу кинофестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ташкилот комитети ва бош дирекция тузилди. Улар ҳозирданоқ ишга киришдилар.

Фестивалнинг «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш» шиори остида уюштирилиши икки қитъа санъат арбоблари улкан анжуманининг асосий мақсадини, энг муҳим йўлини белгилаб беради. Тошкентда 1968 йилда биринчи кинофестиваль ҳам шундай шиор остида ўтказилган эди. Бу фестиваль жаҳон санъати тараққийпарвар арбобларининг кучларини бирлаштиришда катта роль ўйнади.

Тошкент кинофестивали Осиё ва Африканинг тараққийпарвар киноси халқларнинг миллий мустақиллиги қўлга киритиш ва ўз онгини ўстириш учун, озодлик учун ва яхши яшаш шароитлари учун олиб бораётган курашида ўйнаётган салмоқли ролини яққол кўриб-билиш, баҳо бериш имкониятини туғдиради. Курашаётган оммани тарбиялаб, маърифатли қилаётган кинематограф Тошкентда ўтказиладиган иккинчи кинофестивалнинг асосий сиймоси, асосий қаҳрамони бўлади.

Бу фестиваль совет кинематографчилари учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Фестиваль СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллиги юбилейи арафасида ўтказилади. Фестивалда иттифоқдош республикалар фильмларининг кўрсатилиши партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантанасини ёрқин намойиш қилади ва Совет Социалистик Республикаларининг ягона иттифоқини ташкил этган халқларимиз маданиятининг гуллаб-яшнаганлигини исбот этади.

Бундан тўрт йил муқаддам Тошкентда «Кинонинг тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураши» деган мавзуда ижодий мунозара бошланган эди. Ана шу самарали мунозара бу фестивалда ҳам давом эттирилади.

Ўз сиёсати фестивалнинг шиорига тўғри келмайдиган давлатлардан ташқари, Осиё ва Африкадаги барча мамлакатлар фестивалга таклиф қилинади.

Тошкентда ўтказилган биринчи халқаро кинофестиваль каби иккинчи фестивалда ҳам расмий совғалар берилмайди. Бу фестивалда кинематографияси ривож топган мамлакатлар ҳам, кино санъати эндигина вужудга келтирилаётган мамлакатлар ҳам баббаравар қатнаша оладилар. Мамлакатимиздаги ва республикамиздаги бир қанча жамоат ташкилотлари анъанага мувофиқ ўзларининг эсдалик мукофотларини таъсис этиш ниятидадир.

Социалистик лагерь мамлакатлари, шунингдек халқаро ташкилотларнинг вакиллари меҳмон сифатида таклиф этилади. Кинофестивалда Совет Иттифоқи номидан Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Арманистон республикаларининг кинематографчилари бу сафар ҳам қатнашадилар.

Бутуниттифоқ «Совэкспортфильм» бирлашмаси кинофестиваль кунларида катта кино бозори ташкил этади. Бу бозорда қатнашиш учун Осиё ва Африка мамлакатлари кинотеатрларининг продюссерлари, прокатчилари ва эгалари келишади.

Кинофестивалнинг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари ҳамда кино танқидчилари иш олиб боради.

Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентда ўтказиладиган иккинчи кинофестивали кино санъатининг чинакам байрами бўлиб, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт ишига яхши хизмат қилажагига шак-шубҳа йўқ.

РУС АВИАЦИЯСИНИНГ ОТАСИ

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Н. Е. Жуковский назарий ва эксперименталь аэрогидромеханикани яратишга катта ҳисса қўшди. Бу — Россияда ва бошқа мамлакатларда авиациянинг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Жуковский аэроплан қанотини кўтарилиш кучининг келиб чиқиши ҳақида таълимот яратди. Олимнинг илмий кашфиёти кўпгина масалаларда принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Николай Егорович Жуковский 1847 йилнинг 17 январида Владимирск губернасининг Орехово қишлоғида инженер оиласида туғилди. Унинг отаси чуқур маълумотли киши бўлиб, ўз болаларида техникага қизиқиш уйғотди. Уларни ватанпарварлик ҳисси руҳида тарбиялади.

Гимназияда ўқиб юрган кезларидаёқ Жуковскийда техникага ҳавас уйғонган эди. Айниқса, унга — Москва университетининг физика-математика факультети математика бўлими студентига — математика профессори В. Я. Цингер катта таъсир кўрсатди.

Юқори малакали ва ҳар томонлама маълумотли инженер бўлиб етишиш мақсадида Жуковский университетни тугатгач, Петербург темир йўл инженерлари институтига ўқишга киради. Бироқ бу ерда у ўйлаганча бўлиб чиқмади. Илмий унвонларга эга бўлган чиновниклар талабалар эҳтиёжига мос илмий маълумотлар беролмасди. Дарслар бир хил, зерикарли ўтиларди. Ниҳоят, Жуковский 1869 йилда институтни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

У математика ва механикани мустақил ўргана бориб, назарий механикага катта меҳр қўйди. 1871 йилда у амалий математикадан магистрлик учун имтиҳон топширади ва Москва олий техника билим юртига математика ўқитувчиси килиб сайланади. Жуковский мазкур билим юрти аналитик кафедрасининг доценти бўлиб ишлай бошлайди. У 1886 йилда Москва университети механика кафедрасини бошқаради. Бу ерда ўз атрофига шогирдлар ва издошларини тўплайди. 1905 йилда Жуковский Москва математиклари жамиятининг президенти қилиб сайланади. У политехника ва табиатшунослик каби бир қатор жамиятларнинг ишида фаол қатнашади.

Улуғ рус олими Н. Е. Жуковский қарийб 50 йил назарий механика ва амалий математикадан дарс берди. Жуковский томонидан ёзилган кўплаб қўлланмалар ва монографиялар Ватанимиз илмий-таълим адабиётига олтин хазина бўлиб кирди. Жуковский тиним билмай педагогик иш олиб боришни, студентлар билан амалий машғулот ўтказишни олим учун шараф, деб билди.

Николай Егорович Жуковский Улуғ Октябрь социалистик революциясини катта қувонч билан кутиб олди, илмий ишларини янада активлаштирди. Тезда мамлакатимизда марказий аэродинамика институти, ҳарбий-ҳаво академияси, Москва авиация институти ва бошқа илмий марказлар ташкил топди.

Бугунги кунда туғилганига 125 йил тўлган Н. Е. Жуковскийни В. И. Ленин рус авиациясининг отаси, деб атаган эди. Буюк рус олими инсониятга бой илмий мерос қолдириб кетди. Унинг ишини С. А. Чаплигин, Л. С. Лейбензон, А. Н. Туполев, Б. Н. Юрьев, К. А. Ушаков каби кўплаб истеъдодли шогирдлари давом эттирди ва давом эттиришмоқда.

Б. ПОЛЯКОВ,
«Билим» жамиятининг лектори.



БЕШ КУНДА 5 МИНГ ЛИТР СУТ

БУХОРО («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг республикада хизмат кўрсатган чорвадор Х. Норпўлатов бошлиқ сутговар фермаси коллективи янги йилнинг ҳар беш кунида 5 минг литрдан сут соғиб олишга эришмоқда. Соғин сигирларни силос, сенаж каби тўйимли озуқалар билан парвариш қилиш туфайли ана шундай муваффақиятга эришиляпти.

СССР Олий Советининг депутати М. Ғаффорова сут соғувчилар ўртасида пешқадамлик қилаётир. У 60 бош соғин сигирдан ҳар беш кунда 1800—2000 литрдан сут соғиб олаётир. Шунингдек Руқия Ҳамидова, Маъқўл Шодмоновалар ҳам сут соғиш топшириғини ошириб бажаришяпти.

Т. НАЗИРОВ.

Янги назмлар

ОНА

Ассалом, меҳру муҳаббат
мулкига султон она,
Тожу тахтингнинг бисоти
шафқату эҳсон, она.
Ноғиҳон фарзанд томон эсса
агар
нохуш шамол,
Айлагайсан кўкрагингни
тоғ каби қалқон, она.
Оқ сутинг бирлан килурсан
сен жаҳонга жон ато,
Мушкули дунё бўлур
амринг билан осон, она.
Кўзларингда кўрганимда
гоҳида ҳасратли ёш,
Кўз ёшидан ер юзи гўё бўлур
уммон, она.
Солса ҳар ким гар дилингнинг
торига мунгли наво,
Бўлса ҳам олим, бўлолмас
ҳеч қачон инсон, она.
Мижжа қоқмай алла айтиб
чиққачинг-чун бир кеча,
Бир умр хизматда бўлсам
қолмагай армон, она.

ЖОНИБЕК.

✦✦

ҲАЁТ

Ҳаёт—ниҳояси йўқ
эстафета,
Югурдингми,
Бўлмайди қайтиб.
Масофангни ўтмоқ,
Зарур албатта,
Тўхтайсан ўз —
Орзуйинг айтиб.
Кимдир умрин ёқиб
Машъаласимон,
Янги манзилларга
Элтади.
Гарчи жисминг у дам
Бўлса-да бежон,
Ишинг ўша кунга
Етади.
Тинмас авлодларнинг
Буюк оқими,
Ёшларга ишонар
Кексалар.
Меросдир ўйлари,
Юрак ёлқини,
Замон ҳам
Шу зайл юксалар.
Бу ҳаёт ҳикматин
Тенги йўқ асло,
Шундайдир ибтидо
Пайтидан.
О, бусиз ҳар авлод
Ночор ва гадо,
Барчасин бошларди
Қайтадан.
Қўлимда боболар
Илму ҳикмати,
Армонлари қалбда
Мужассам.
Мен уларнинг
Еди ҳурмати,
Интиламан манзилга
Бу дам.
Бир куни ўтарман
Уз масофамни,
Кимдир уни
Этдирар давом.
Тер каби сидириб,
Укинч, аламин,
Сўнгги дамда
Айтгум муддаом,
Аммо тугамайди
Орзу ва тилак,
Гарчи айланурман
Заррага,
Уларнинг барчаси
Авлодим билан,
Етиб борар
Эзгу маррага!

Насриддин МУҲАММАДИЕВ.

МАХАЧҚАЛАДА „ЎЗБЕКИСТОН“ ШАҲАРЧАСИ

ДЎСТЛИК КИТОБИ САТРЛАРИ

БИЗ, бу тоғ ўлкасига биринчи марта борган бўлсак ҳам, унинг нималаридир илгаритдан танишдай туюларди. Чиндан бу танишлик Сулаймон Стальский, Ҳамзат Цадаса, Афанди Капиев каби машҳур Доғистон фарзандлари ижоди орқали бўлган эди. Китобхонларимиз севиб қолган Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним» китоби бизга қалби осмондай юксак, денгиздай кенг, булоқдай мусаффо тоғ халқларининг ажойиб ҳаётидан ҳикоя этган эди. Доғистон АССРни халқлар дўстлиги диёри, кўп миллат вакиллари уюшган улкан оиланинг яққол тимсоли деб билардик. Шу нарсани яқинда Махачқалъада бўлган анжуман — СССР ва РСФСР ҳамда Доғистон Ёзувчилари союзларининг совет болалар адабиёти масалаларига бағишланган қўшма пленуми кунларида ўз кўзимиз билан кўрдик. У ерда ўттиздан ортиқ миллат кишилари ўз ҳаёт ва тақдирини, мақсаду-муддаоларини бир-бирига пайванд қилиб, бир ота-онанинг тотуқ ўғил-қизларидай бир ёқадан бош чиқариб яшамоқдалар, ягона орзу сари баробарига интилишиб, Доғистонни боғу-бўстонга айлантирмоқдалар. Доғистон халқларининг дўстликка чин садоқати, қўни-қўшниларга ҳақиқий вафоси Бутуниттифоқ вакиллари анжуманини алоҳида қунт-ироқлик билан тайёрлаш ва ўтказишда ҳам кўринди. Бир ҳафта давомида бу адабий тадбир автоном республика жамоатчилигининг, бутун матбуот ва радионинг, кўпминглик ва кўптиллик ёш китобхонларнинг диққат марказида турди. Университет, пединститут ва мактабларда, ўша кунлари очилган Ленин номидаги республика болалар кутубхонасида, завод ва қурилишларда бўлган учрашувлар ғоятда қизғин ўтди, булар чинакам дўстлик байрамига айланиб кетди. Учрашув ва суҳбатларда бизнинг диққатимизни тортган нарсалардан бири мезбонларимизнинг ўзбек халқи шаънига қайта-қайта айтган самимий гаплари бўлди. «Биз Ўзбекистон меҳнаткашларидан миннатдормиз, ўзбек оғайниларнинг ҳимматига балли!»... Бу олқиш сўзлари замирида катта воқеа бор эди...

1970 йилнинг 14 майи, соат 12 дан 20 минут ўтган. Доғистонда даҳшатли зилзила бошланди. Шу куни 13 марта қайтарилиб, унинг кучи эпицентрда 7-8 баллга етди. Зилзила бир йилча давом этганини, дастлабки қирқ куннинг ўзидаёқ минг мартадан ортиқ қайтарилганини ҳисобга олсак, Доғистон бошига тушган табиий офат бениҳоя кучли бўлганини кўрамиз. Вайроналик миқёси ҳам катта бўлди. Автоном республика территориясининг тўртдан бирини ташкил этган тўрт шаҳар, ўндан ортиқ район оғир зарар кўрди. Йигирмадан ортиқ қишлоқ емирилди. Кирқ беш мингга яқин аҳоли бошпанасиз қолди.

Доғистонлик биродарларимиз учраган оғир мусибатни енгиш учун беҳад руҳий бардошу чидам, мардлигу-матонат талаб қилинарди. Бу сифатлар эса етарли эди тоғ халқларида. Ҳар қанча оғир кўргуликни енгишга етгулик ирода ва қатъият бор эди уларда. Табиатнинг тоғ-тошни кемирган, бутун-бутун қишлоқларни ер билан яксон этган ёвуз кучи кишиларнинг иродасини буколмади. Чунки, улар, дардларига даво топиб мушкулларини осон қила оладиган тоғдай кучга орқа қилардилар. Бу — дўстлик кучи эди. Табиий офат юз берган куннинг ўзиданоқ дўстлар ҳар ёқдан ёпирилиб келиб ёрдам қўлларини чўзганларини биз Тошкент зилзиласида яққол кўргандик. Доғистонда ҳам айни шундай бўлди. У ердагилар: Доғистонга ёрдам қўлини биринчи бўлиб чўзган қардошлар қаторида Ўзбекистонни тилга олиб ғоят миннатдор бўлмоқдалар. Республикамиз зилзиладан қаттиқ зарар кўрган. Доғистон учун 1970—1971 йилларда 20 минг квадрат метр ҳажмда турар-жой ва бошқа бинолар қуриб беришни ўз зиммасига олган эди. Ҳозир ўша ваъда амалга оширилиб бўлай деб турибди.

Доғистон ёзувчиларидан Анвар Аҳиев, Расул Расулов ва Дмитрий Труновлар бизни бинокорларимиз ҳузурига бошлаб боришди.

Махачқалъанинг ғарби томон юксалиб кетган, ям-яшил арчалар қоплаган серманзара Ғаркитов тизмаси этакларидамиз. Илгари тошлоқдан иборат бўлган бу бўшлик ҳозир шаҳарнинг энг гавжум ва машҳур қурилиш майдонига айланган. Бир-биридан шинам, бир-биридан ҳашамдор тўрт-беш қаватли янги бинолар батартиб саф тортган. Биз, қорамой ҳидлари ҳали тарқаб битмаган янгигина асфальт кўчаларидан ўтиб боравмиз. Ичкарига кирганимиз сари сутга қориб олгандай оппоқ ғиштлар, бетон плиталар уюмлари тез-тез учрайди. Қаршимизда кўк дарвоза юксалади.

— Мана, сизларнинг Чилонзорингизга қадам қўйдик, — дейди кулиб Анвар Аҳиев. Дарвоза пештоқида «Ўзбекистон шаҳарчаси» деган катта ёзувга кўзимиз тушади. Ундан ўтарканмиз, чиндан Чилонзорни эслатувчи белгилар дуч келабошлади. Ўнгу-сўлдаги янги турар-жой бинолари ўзбек наққошлик санъатининг хилма-хил намуналари билан безаниб турарди. Неча кундан буён Каспий узра хўмрайган булутлар тарқаб, тоғ изғирини аралаш ёққан ёмғир тиниб, бугун қуёш чарақлаб чиққан, Махачқалъа «Чилонзори»нинг аҳолиси яйраб қолишганди. Улар кузнинг ғанимат кунларида кўчалар бетқайга ариқлар очишаётган, кўчатлар ўтқазишаётган металл, устунларга сим тортишаётган, томларга антенналар ўрнатишаётган эди. Ёшларнинг ишига маҳлиё бўлиб янги бино эшигида узун ёғоч найни тутатиб ўтирган, сур қалпоқли, мўйловдор қария бизга пешвоз чикди.

— Гаджи Гумиров, Ватан уруши инвалиди, — деб ўзини танитади ва кавказча тавозеъ билан уйига таклиф этади.

— Кирсак, нима билан меҳмон қиласиз, Гаджи бобо?, — деди ўсмоқчилаб Анвар Аҳиев.

— Қора кофе билан, — деди бобо мўйловини силаб.

— Хоҳ, янги уйнинг зиёфатидан осон қутилар экансиз-да!

— Ўзбек қардошлар удми, аввал ҳойдан бошлашгандай биз ҳам кофедан бошлаймиз-да. Уёғи бир гап бўлар, — деди бўш келмай бобой.

Шу пайт тепадан аёл кишининг янгроқ овози келди. Қараймиз. Тўртинчи қават балконида ойнани оҳак юқидан тозалаётган бир қиз бизга салом бериб, алланималар демоқда, эди.

— Осмонда туриб гап ташлашга, Жаврият қизим, меҳмонлардан уялгин, — деди Гаджи бобо ва астойдил бизни бошлаб кириб уйини кўрсатмоқчи бўлди.

— Раҳмат, отахон, жойингиздан кўнглингиз тўлган бўлса бўпти-да.

— Бўлмаса-чи! Умримда кўрмаган жойлар. Қариб, иш-кучдан қолганимда уйим бузилиб бош панасиз қолувдим. Ўзиям ота-бободан қолган эски кулба эди, бир қимирлашдаёқ дабдаласи чиқди. Барака топишсин бу ўзбек йигитлари, бизга мана шундоқ данғиллама уй қуриб беришдики, энди баҳузур давр даврон сурадиган бўлдик.

Бобонинг танбеҳидан уялган Жаврият бир зумда ювиниб-тараниб пастга тушди. Саломлашиб, суҳбатга қўшилди. Шаҳардаги «Дўстлик» кинотеатрида ишловчи бу қиз ҳам зилзиладан сўнг уйдан ёлчиб қолганини айтди.

— Ҳаммаси жойида-ю, фақат бахтарея тезроқ ишласа бўлгани, — деб қўшиб қўйди қиз.

— Шунчаси бўлган буёғи ҳам бўб қолар-а, ўғилларим? — деб бобо ҳозиргина ёнимизга келган йигитларга қаради.

— Хотиржам бўлинглар, катта пар қозонлар эрта-индин битиб ҳаммаёққа иссиқ беради, — деди қорсча, миқти гавдали, қора кўз йигит. Еши ўттиздан ошмаган бу йигит ўз ёнидагиларнинг «улуғи» бўлиб, «Ўзбекистон» шаҳарчаси қурилишининг участка бошлиғи инженер Турғун Қурбонов эди. Турғун асли Олмаликдан. Политехника институтини битириш учун диплом иши қилаётганида Тошкент зилзиласи бўлиб қолган. Уша 1966 йилдан бошлаб Тошкентни қайта қуришда ишлаган. Зилзила марказидаги Ц-1 кварталини барпо этишда турли миллат қурувчилари қатори қатнашиб, тажрибасини оширди. Ўтган йили Доғистон бошига кўргулик тушгач, ёрдамга шошилган ёшларимиз қаторига Турғун ҳам қўшилди.

— Биз июнда Тошкентдан бринчи эшелон билан йўлга чиқдик. «Главташкентстрой» қурилиш поезди 600 бинокор, кўтарма кранлар, экскаваторлар, бульдозерлар, самосваллар ва бошқа кўп аслаҳаларни ортиб келди. Республикамиз ҳар бири олтмиш квартирали саккиз иморат, яна бошқа бинолар қуриб беришга кетадиган бутун куч ва асбоб-ускунани вақтида етказиб турди.

Қурилишга Тошкентда донг тараттан етук мутахассис раҳбарлардан Турғун Қурбонов, партия ходими Шукур Омонов, бош инженер Абдувоҳид Сафаровлар бошчилик қилишяпти. Бир ярим йилча фурсат ичида обод бир янги шаҳарча пайдо бўлган экан, бунда ўзбекистонлик бинокорлар арзирли ҳисса қўшишди. Бунга шоҳид бўлиб 360 квартирали олтита улкан, гўзал бино савлат тўкиб турибди. Яна 120 квартирали икки бино тикланиб битказиляпти. Бу, дўстларга ҳадя этилмоқчи бўлган 20 минг квадрат метрли турар-жой тўла топширилиш олдида деган сўз. Шу билан бирга, бинокорлар бу массивда олти минг аҳолига хизмат этадиган Савдо маркази биносини зўр ғайрат-шижоат билан тиклашмоқда. Яна 280 ўринли болалар яслиси, икки ошхона ва мороженоехона ҳам қўлдан чиқарилади. Бинокор йигитлар «Ўзбеклардан яхши эсдалик қолсин» деб бор ҳунар-билимларини ишга солишяпти. Яқинда улар РСФСР ҳукуматининг Қизил байроғини олишга ва пул мукофотига сазовор бўлишди. Ўзбекистонлик илғор йигитлар номи Доғистоннинг пешқадам кишилари қаторида тилга олиниб, ҳурмат-иззат қилинадиган бўлди. Ҳатто улар ҳақида шеър, қўшиқлар тўқилди.

— Айтмоқчи, пьеса ҳам-а? — деди шериклардан бири Расул Расуловга имо қилиб.

Расул оға маъноли кулди. Биз қизиқиб қолганимиздан кейин, ўзининг ижодий «сир»ини очди. Кейинги пайтда у Тошкент қурувчиларига бағишлаб бир пьеса яратибди. Таниқли ёзувчи ва драматургнинг қурувчилар ҳузурига кўп келиши, суҳбатлашиб дўстлашиши туфайли туғилибди бу асар. Номи ҳам шуни кўрсатиб турибди: «Дўстлик эпицентри». Авторнинг айтишича пьесада реал одамлар ва реал воқеалар акс этган. Шулар ичида Турғун Қурбонов, унинг умр йўлдоши Саломат ва бу ёшлар оиласида яқинда вагон-уйда туғилган Фотима-Зуҳраларга ҳам ишора бор экан...

— Биз, ёзувчилар ва журналистларнинг ижодига илҳом берган меҳнат баҳодирларингиз анчагина бор, — дейди Дмитрий Трунов ва ўзи таниб қолган ва очеркларида ёзган бир неча қурувчини таърифлаб кетди. — Шулардан биттаси — Маъруф Йўлдошев. Биноларга пардоз берувчилар бригадасининг бошлиғи. У ҳунар мактабини битирган. Устози ҳам ўзларингизда машҳур бўлган бинокор. Раҳим Зиёев экан. Ундан олган таълимини ишга солиб Тошкент қурилишларида — Марказий Универмаг, Санъат саройида ҳунарига сайқал берган. Таъби нозик, синчков, миришкор уста бўлиб етишган. Бу ерда кўл остидаги ёшларга ҳам ҳунарини ўргатиб, биноларнинг кўркам чиқишига кўп эътибор беряпти.

Хулласи, йигитларимиз сидқидил, ҳалол меҳнатлари билан қардошларга маъқул бўлишибди. Яна бульдозерчи Юрий Ефремов, экскаваторчи Арзамян, самосвал ҳайдовчи Эшреф Гейдаров сингарилар ҳам намунали хизматлари билан танилганлардан. Алексей Костенкондинг монтажчилар бригадаси ҳақида-ку оғиздан бол толиб гапиришади. Тошкент Чилонзорини обод этишда алоҳида ўрнак кўрсатгани учун Октябрь революцияси ордени олган бу донгдор йигит Махачқалъадаги қурилишнинг ҳам илдам битказишишга астойдил интилмоқда. Кўп миллатдан ташкил топган қурувчиларимиз худди бир оила болаларидай бир жон-бир тан бўлиб ишлашмоқда ва яшашмоқда.

— Чиндан йигитларингиз шаввоз чиқди. Меҳнатлари билангинамас, аҳлоқу одоблари билан ҳам бизга ёқиб тушишди.

— Фақат бизгамас, қизларга ҳам денг, — деб ҳазил қилди бир ҳамроҳимиз. Унинг гапида жон бор экан. У бизга тошкентлик Аҳмад деган йигит билан доғистонлик Зайнаб деган қизнинг ёз кунлари ана шу гўзал тоғ этагида бўлиб ўтган тўйларини ҳикоя қилиб берди. Тўй куни ўттиз хил тилда кўшиқ куйланибди, ўттиз хил миллат рақслари ижро этилибди, ўттиз хил алёр билан қадаҳ кўтарилибди.

— Ана, ўзбекча алёр айтиб, андижон полкасини ижро этиб гуррос олқиш олган шоввозлар, — деди кимдир.

Нарироқда саф тортган вагон-уйлар посёлкасидан ёшгина икки йигит биз томон келди, сўрашдик. Бири нозикроқ — шаҳар боласига ўхшаб кетади, иккинчиси бўйдор ва чайир—спортчинамо. Нозикроғи қурилиш план бўлимининг бошлиғи тошкентлик Анвар Саидмуҳамедов, спортчинамоси кўтарма кран машинисти Одилжон Мадаёров бўлиб, андижонлик экан. Одилжоннинг вазифаси — станцияда кран тепасида туриб, қурилишга келган юкларни поезддан машинага олиб юклаш экан. Вазифаси чиндан дорбозларникига ўхшаш қалтис ва оғир. Аммо у ўз иши ҳақида мамнунлик ва ҳатто жиндак ғурурланиб гапиради. Ғурурланса ҳам арзийди. Чунки қурилишга бетиним материал-ускуна етказиб бериб турувчи энг муҳим муруватлардан бири унинг қўлида. Улар бизни қўрда-қўймай вагон-уйига таклиф этди. Худди келинларнинг уйидай саранжом-саришта, шинам жиҳозланган вагон-уйда қурувчилар даврасига кирдик. Кўп ўтмай, девзира гуручидан дамланган палов сузилди. Ширин анор доналарини сепиб палов ейилгач, аччиқ кўк чой устида суҳбат қизиди. Одилжон магнитофонда аввал ўзбекча, кетидан Кавказ куйларини янгратади. Қурувчилар шаҳарчасида оқшом кўнади. Вагон-уйлар ва азим биноларнинг ойналарида электр лампочкалар ёнади.

Биз «Ўзбекистон» шаҳарчасидан Махачқалъа маркази томон жўнаркамиз, анча вақтгача қулоғимизга ўзбекча, русча ва кавказча куйлар эшитилиб, Кавказ оқшомига алоҳида жонлилик бериб турди. Гоҳо бу куйлар бир-бирига қўшилишиб, пўлатдай мустаҳкам тоғ жилғаларидай мусаффо, қондош ва жондош дўстликнинг абадий тинмас симфониясидай бўлиб янграрди.

Ҳаким НАЗИР,
Собир ЮНУСОВ.

Ажаб савдолар

БОДОМЗОР ЖУМБОҚЛАРИ

— Шундай қилиб, яна сансалорлик денг?

— Ҳудди шундай.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганлари шу бўлса керак. Унинг қандай «нашъа»си борлигини Тошкент шаҳар, Киров районидаги Бодомзор маҳалла комитетининг раиси Зариф Жалолов ва Бодомзор кўчасидаги 58-уйда яшовчи Манзура опа Мусаевадан сўранг. Агар бу маслаҳатдан қоникмасангиз, яхшиси, меҳнаткашлар депутатлари Киров райсн ижроия комитетининг баъзи бўлимларига бирон иш билан мурожаат қилинг, қабулига боринг. Шунда масала ойдин бўлади-қолади.

Бир куни кутилмаганда Бодомзор маҳалласида қий-чув кўтарилди.

— Нима гап ўзи?

— 58-уйдан ёнғин чиқибди, уй қуйиб кетяпти. Ёрдамга, ёрдамга чиқинглар!

Ҳаш-паш дегунча бутун маҳалла аҳолиси ёрдамга келди. Бир пастда ўт ўчириш командаси ҳам ҳозир-нозир бўлди. Афсус, ёнғин кучайиб, данғиллама участка бир пастда кул бўлди. Манзура опа ва унинг келинига фақат қуйиб қулаган томнинг тунукаси қолди, ҳолос. Ҳамма иштирокда. Нечора?! Энди нима қилиш керак? Манзура опа бутун хони-монидан ажраб қолаверадими? Ўзи, келини, набиралари қаерда яшайди энди? Ўт ўчириш командаси экспертизаси томонидан берилган справкани олиб райижрокомга борса қандоқ бўларкин? Наҳотки, улар ёрдам беришмаса?

Бошга тушган бу аччиқ кулфатдан эзилган она ўша справкани олиб, райижроком раиси Омил Саидкаримович Расулев қабулига борди-ю, бўлган воқеани сўзлаб берди. Бироқ раис: «Биз сизга уй беролмаймиз, имкониятимиз ҳам йўқ. Сиз район коммунал хўжалик бўлимининг мудири Мирза Эрназаровга учрашинг. Бирорта бузиладиган уйлардан беради. Қурилиш материалларини бузиб оласиз-да, қўйган уйингизни қайтадан тиклайсиз. Гап тамом, вассалом», — деб қўяқолди.

Район коммунал хўжалик бўлимининг мудири эса: «Эрта келинг, индин келинг», — деб бирпасда битадиган ишни роса икки ойга чўзса бўладими? Бу орада Манзура опа райижрокомга қатнайвериб, тинкаси қуриди .Охири, унга район уй-жой бошқармасининг қарори билан 12-ЖЭКдан бузиб олиш учун битта эски уй бериладиган бўлди. Бундан Манзура опа Мусаеванинг кўнгли жилла таскин топди. Бироқ яна унинг ўйлаганича бўлмади. Нега? Ахир, К Дадаев. кимсан ЖЭК бошлиғи-да! У ҳам ўз «ҳукм»ини кўрсатди.

Бир куни Карим Дадаев бу ишни мен бажаролмайман, деб Манзура опани райижроком раисига юборди. Раис эса уни қайтадан К. Дадаевга югуртирди.

Хуллас, иш отангга бор, онангга бор қабилида бораверди. Шундай қилиб, опа яна икки ой сарсон бўлди. Ниҳоят унга бузиб олиш учун Урицкий кўчасидаги 21-уйни беришди. Манзура опа 4-5 киши билан тайинланган уйни бузгани борса, бошқа биров уни бузиб турибди. «Бу уйни менга беришган. Мана, ишонмасангиз кўринг. Мен бунга пул тўлаганман», — деб квитанция кўрсатса бўладими. ҳалиги киши. Она тарвузи қўлтиғидан тушиб, яна К. Дадаевнинг ҳузурига келди. Бошлиқ эса: «Бу ёғини мен билмайман, ҳужжатларингизни райижрокомга юбордим», — деб тўнини тескари кийиб олди. Райижроком раиси эса: «Ҳужжатларингиз менга келгани йўқ, Дадаевга боринг», — деб ишни яна пайсалга солди. Райижроком ходимларининг сансалорликлари туфайли сарсон-саргардон бўлган М. Мусаева на уй ололди, на моддий ёрдам Икки ўртада улар ҳужжатларини ҳам йўқотишди.

Райижроком ходимларининг сансалорликларидан ҳафсаласи пир бўлган Бодомзор маҳалласи аҳолиси М. Мусаевага минг сўм ёрдам қилди. Шу билан бирга, уларнинг бири ёғоч, бири тахта, бири шифер берди. Маҳалла ҳашарчилари кучи билан янги участка қад кўтарди. Манзура опа ҳурсанд бўлиб, янги уйга кўчиб кирди.

Манзура опанинг умр йўлдоши Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Ўзи эса Тошкент тамаки фабрикасида узоқ йиллар ишлаб, пенсияга чиққан. У иш фаолиятида Киров район Советига депутат қилиб сайланган. Ана шундай одам бошига оғир кулфат тушганда, шунчалик сарсон бўлса-я!

Хўш, Бодомзор жумбоғи ҳал бўлдими, дес ўйларсиз? Ҳеч-да! Жумбоқ устига жумбоқ яна. Энди гапни бу ёқдан эшитинг.

Маҳаллада клуб ва чойхонани қайта қуриш ҳақида маҳалла активлари йиғилишларида, район Совети сессияларида кўп гаплар бўлди, бироқ иш силжимади. Райижрокомдагилар эса ҳамон парвойи палак. Маҳалла аҳли бу ҳақда Тошкент шаҳар ижроия комитетига мурожаат қилишганларида улар район коммунал хўжалиги бўлимининг бошлиғи Мирза Эрназаровга бир неча марта кўрсатма беришди. Бироқ, ўрток М. Эрназаров ҳам ишни пайсалга солишдан нарига ўтмаяпти.

Шунингдек, бодомзорликларнинг бу ердаги мавжуд кўчаларни асфальтлаштириш, газлаштириш, водопровод ва канализацияни тартибга келтириш ҳақида райижрокомга йўллаган ариза-шикоятлари ҳам қоғозда қолиб кетди.

Хуллас, Бодомзор жумбоғи ҳаливери ечиладиганга ўхшамайди.

А. АҲМЕДОВ.

АЖАБ САВДОЛАР НИМА БИЛАН ТУГАДИ

ФАЛОНЧИ ХОНИМ НИМА ДЕЙДИ?

Газетамизнинг 1972 йил 30 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Оққўрғон районидаги эркатой хоним С. Йўлдошева ва унинг «ажаб савдолари» ҳақида ёзилган эди. Масалан, ўзи мудирлик қилган дўконга келтирилган 2003 килограмм гўштнинг килосини 1 сўм 72 тийин ўрнига 1 сўм 90 тийиндан пуллаган. Қурилиш материалларини ўзлаштирган ва четга сотган.

Тошкент область прокуратураси редакцияга қуйидагиларни маълум қилди: текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Оққўрғон район прокуратураси С. Йўлдошевани жиноий жавобгарликка тортиш учун тергов иши олиб борляпти.

Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводининг металл қуйиш цехида ишлаётган ишчилардан Л. Ҳакимова, П. Переверзина, С. Валиева, Л. Габитовалар шу кунларда тағин ҳам унумли ишлаб, кундалик топшириқларини муддатидан илгари бажармоқдалар (чапдаги сурат). Бухоро шойи фабрикасининг илғор автоматчиси Мунира Отамқулова меҳнатда ўз дугоналарига намуна кўрсатиб ишламоқда. Ўнгдаги суратда М. Отамқулова.

А. Тўраев ва В. Сироткин фотолари.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — Чет элларда

РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

ЦЮРИХ. СССР терма командаси Европа футбол биринчилигининг чорак финал мусобақасида апрель ойининг охири ва май ойининг ўрталарида Югославия терма командаси билан ўзининг ва рақибининг майдонида икки марта учрашади. Европа Футбол уюшмаси союзининг (УЕФА) қароргоҳида бўлиб ўтган чек ташлаш вақтида аниқланган чорак финал ўйини қатнашчилари қуйидагилардир: Венгрия.—Руминия. Англия—ГФР, Италия — Бельгия. Чорак финал учрашувларининг ўтказилиш муддатини миллий футбол федерациялари ўзаро келишиб белгилайдилар.

СССР ва Югославия командалари учрашувининг ғолиби ярим финалда Руминия ва Венгрия терма командалари учрашувининг ғолиби билан ўйнайди.

СССР ёшлар терма командаси қитъа биринчилигининг чорак финал ўйинида Германия Федератив Республикаси командаси билан учрашади. Москва динамочилари кубок эгалари кубоги мусобақаларининг чорак финалида «Црвена звезда» (Югославия) командаси билан иккита учрашув ўтказади. (ТАСС).

САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

ЛОМЕ. Овоз санаш миллий комиссияси Тогода 9 январь куни бўлиб ўтган референдумнинг расмий якунларини эълон қилди. Референдумда қатнашганларнинг катта кўпчилиги— қариб 868 минг киши мамлакатнинг ҳозирги президенти генерал Этьенн Эйдема давлат бошлиғи бўлиб қолаверишини ёқлаб овоз берган. У 1967 йилда ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни қўлга олган эди. (ТАСС).

ТАРИХИЙ МУЗЕЙ

БЕРЛИН. Бу ерда Германия тарихи Берлин музейининг 20 йиллигига бағишланган виставка очилди. Виставкага 300 га яқин экспонат қўйилган. Музей ташкил қилинганидан бери уни Германия Демократик Республикаси ва бошқа мамлакатлардан салкам 6 миллион киши келиб кўрди.

Берлин музейининг ходимлари Европадаги ва ер юзининг бошқа қисмларидаги 300 музей билан алоқа қилиб турадилар. (ТАСС).

Ватанга қайтиш

ДЕҲЛИ. Шарқий бенгалиялик қочоқлардан салкам 2,2 миллион киши Ҳиндистондан Бангла дешга қайтиб келди. Ғарбий Бенгалия штати маъмуриятининг расмий вакили Калькуттада шундай деди. (ТАСС).

ЭРТАГА ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИ ВАРШАВАНИНГ НЕМИС-ФАШИСТ БОСҚИНЧИЛАРИДАН ОЗОД ЭТИЛГАНИГА 27 ЙИЛ ТЎЛАДИ

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Бундан 27 йил аввал Польша Халқ Республикасининг пойтахти Варшава немис-фашист босқинчиларидан бутунлай озод этилиб, ўз эркини қўлга олди. Ўша пайтдаги Варшаванинг манзараси ғоятда аянчли эди. Фашистлар шаҳарни деярли вайрон ҳолга келтирган эдилар. Мутахассисларнинг ҳисоблаб чиқишларига қараганда бу ердаги вайроналардан 20 миллион кубометрдан ортиқ тош, шағал қолдиқлари олиб чиқилган эди.

Совет Армияси томонидан озод этилган Варшава аҳолининг азму қарори билан аста-секин тиклана бошлади. Бир неча йиллар давомида Польша пойтахти ўзининг илгариги гўзал манзарасига эга бўлди ва ҳатто аввалгисидан ҳам чиройли тусга кирди. Ҳозир шаҳар ўзининг кучли индустриясига эга. Илмий-тадқиқот муассасалари ва маданий муассасалар шаҳар ҳаётида алоҳида ўрин тутиб турибди. Совет Иттифоқи томонидан совға сифатида қуриб берилган Маданият ва фан саройи Польша пойтахтининг хуснига кўрки бўлиб турибди.

Польша пойтахтини нг «Шарқий девор» районини Москвадаги Калинин проспекти томонига қиёс қилинади. Бу ердаги қурилиш ишлари асосан ўтган йили тугалланди. Бу ерда илгари мавжуд бўлган кам қаватли иморатлар ўрнида катта универмаг, кинотеатр, ресторан, ҳозирги замон усулида қурилган уй-жой бинолари тикланди. «Шарқий девор» деб аталган архитектура ансамбли «Интерконтинеталь» меҳмонхонаси биноси билан тугалланади. Шу кунларда 32 қаватли бу бинога пойдевор қўйиш ишлари олиб борилаётир. Меҳмонхона битгач, ўз бағрига бир йўла 1,5 минг кишини қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлади.

Варшава бош архитектура бошқармаси қурилиш устахонасининг мудири Кшиштоф Миллернинг айтишига қараганда яқинда «Ғарбий девор» деб аталувчи қурилиш лойиҳаси қабул қилинган. «Ғарбий девор» Парадлар майдони билан қўшилиб кетади. Унинг марказида фан ва маданият саройи тикланади. Бу районда маданий муассасалар учун қуриладиган бинолар ҳажми «Шарқий девор»дагига нисбатан уч марта кўп бўлади. Бу районда турар жой бинолари қурилиши кўзда тутилмаган.

Ҳар бири 30 қаватли 4 та меҳмонхона, марказий темир йўл вокзали, шаҳар аэровокзали, турли хил магазинлар, маданий-маиший муассасалар бунёд этилади. Шунингдек, янги районда жуда кўп ерости ва ерусти йўллари барпо этилади. Бундан ташқари автомашиналар учун мувақкат тўхташ жойлари ва гаражлар қуриш мўлжалланган.

Халқ Польшасининг пойтахти янада обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Пойтахт меҳнаткашлари ўзларининг жонажон ва севимли шаҳарларининг янада гўзал бўлиши учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Суратда: Совет Иттифоқи томонидан совға сифатида қуриб берилган Маданият ва фан саройи.



БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

БАЙРУТ, 14 январь. (ТАСС). Ливан — Совет дўстлиги жамиятининг вице-президенти, Ливан парламентининг депутати Фарид Жебран бу ерда жамият правлениеси аъзолари ва активларининг КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов бошчилигида Ливан Коммунистик партияси III съездининг ишида қатнашган КПСС делегацияси билан ўтказилган учрашувда гапириб, совет—араб дўстлигига путур етказиш учун қилинадиган ҳар қандай уриниш бутунлай беҳуда бўлиб чиқади, деди.

Жебран уқтириб айтдики, араб халқларининг одилона курашини қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқининг принципиал ва қатъий позицияси совет — араб дўстона муносабатларини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Совет халқи бераётган ёрдам туфайли, деди у, араблар Исроил давом эттираётган агрессиясига бардош бера оладилар, шу агрессия қолдиқларини тугатиш учун кураша оладилар.

Г. Ф. Сизов жавоб нутқи сўзлаб, америка империализми рағбатлантириб турган Исроил агрессиясига қарши курашаётган араб халқларининг курашига СССР мададкор бўлиб турибди, деди. КПСС делегациясининг бошлиғи Совет— Ливан ҳамкорлиги самарали ривожланаётганидан ўзининг мамнун бўлганлигини айтди.

ГАНАДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

КОТОНУ, 15 январь. (ТАСС). Гана пойтахти Аккрадан олинган сўнгги маълумотларга қараганда, ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимиятни ўз қўлига олган янги раҳбарлар Кофи Бусиа бошлиқ собиқ ҳукумат министрларини ва бир қанча олий лавозимдаги шахсларни қамаб қўйдилар. Жумладан, ташқи ишлар министри Офори Атта, мудофаа министри Букари Адама ва соғлиқни сақлаш министри Симон Домбо қамоққа олинган. Гана полицияси вилоятдаги собиқ режимнинг раҳбар арбобларини қидирмоқда.

ЗЎРАВОНЛИК СИЁСАТИ

Улуғ Октябрь бошлаб берган жаҳон миқёсида капитализмдан социализмга ўтиш жараёнига назар ташласак, кейинги вақтларда барча антиимпериалистик кучларнинг янгиданянги жаҳоншумул тарихий ғалабаларининг гувоҳи бўламиз. Шу жиҳатдан қараганда, жаҳон сиёсий харитасида 75 миллион аҳолиси бўлган янги мустақил демократик давлат—Бангла деш республикасининг пайдо бўлиши диққатга сазовордир.

Бенгал халқи бу тарихий ғалабани осонликча қўлга киритмади. Ўтган йили март ойидан декабрга қадар Покистон ҳарбий маъмурияти томонидан уюштирилган қонли репрессиялар даврида Шарқий Покистонда бир ярим миллион киши қириб ташланди, ўн миллионга яқин киши эса паноҳ истаб қўшни Ҳиндистонга қочиб ўтди. Шарқий Покистондаги кескинлик ўтган йил ўн беш кун давом этган Покистон билан Ҳиндистон ўртасидаги урушга олиб келди. Ҳиндистон ярим оролида юз берган ушбу фожиали вазиятда барча адолатпарвар кучлар Ҳиндистон республикаси ва Шарқий Покистон аҳолиси томонида бўлди. Лекин реакцион империалистик кучлар Ҳиндистон ярим оролида юз берган фожиали дамларда Ҳиндистон ва Шарқий Покистон аҳолисига нисбатан қабиҳ позицияда турдилар. Ҳиндистон ярим оролида юз берган фожиага сабабчи бўлган асосий айбдор давлатлардан бири АҚШдир. Буни қуйидаги фактлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Америка журналисти Жон Андерсон ўз қўлига тушган ҳукуматнинг махфий ҳужжатлари асосида «Вашингтон пост» газетаси саҳифаларида қатор мақолаларни эълон қилди. «Махсус ҳаракат группаси» деб аталмиш Оқ уйнинг олий мартабали вакиллари, давлат департаменти, Пентагон, Марказий разведка бошқармаси ходимлари қатнашган махфий кенгаш материаллари шуни кўрсатдики, Ҳиндистон ярим оролида «бегаразлик» ҳамда тинчликни «кўзловчи» сиёсат ниқоби остида АҚШ ҳукумати аслида Ҳиндистон — Покистон можароси даврида ҳиндларга қарши сиёсат юритган, уруш ҳаракатларининг авж олиб кетишига қаратилган барча чораларни кўрган ва Шарқий Покистонда озодлик ҳаракатини қонга ботирган Яҳёҳон ҳарбий маъмуриятининг ёнини олган. «Ҳаракат группаси» мажлисларида раислик қилган президент Никсоннинг махсус ёрдамчиси Г. Киссинжер «Ҳиндистонга қарши қаратилган барча мумкин чораларни» амалга оширишни талаб қилди. Чунончи, 3 декабрда бўлиб ўтган мажлисда у: — «Ҳиндистонга нисбатан биз мумкин қадар қаттиққўл бўлмаганлигимиз учун ҳар ярим соат мобайнида президент менинг таъзиримни беряпти», — деди.

Дипломатик кураш майдонида Вашингтон Ҳиндистон —Покистон можаросида АҚШ бетарафлик позициясида турди, деб БМТда, хусусан Хавфсизлик Кенгашида чиндан ҳам айюҳаннос солди. Аслида эса махфий ҳужжатлар шуни кўрсатадики, махсус группа кенгашида шу масала муҳокама қилинаётганида давлат департаментининг вакили Деналма: «Биз БМТда қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин, чунки кўпчилик мамлакатлар биз истаган даражада Покистон томонини олмайди», деб огоҳлантирди. Киссинжер бўлса, «бошқа мамлакатлар хоҳиши билан ҳисоблашмасдан ҳаракат қилиш» ҳақида кўрсатма берди.

«Оқ уй махфий ҳужжатлари»нинг эълон қилиниши ҳукумат доираларини саросимага солиб қўйди. Кузатувчиларнинг фикрича, Ҳинди-Хитойдаги АҚШ агрессиясига оид «Пентагон ҳужжатлари» каби «Вашингтон пост»да эълон қилинган «Оқ уйнинг ҳужжатлари» ҳам АҚШ ҳукмрон доираларининг «бегаразлик», «сулҳпарварлик» ниқоби остида аслида Америка монополиялари манфаатлари йўлида ўта агрессив йўл сиёсатини тутаётганини кўрсатди.

«Вашингтон пост» газетаси саҳифаларида Оқ уй махсус оператив группасининг ғоят махфий суратда ўтган кенгаш материаллари тўғрисида мақолалар, ниҳоят «ғоят махфий» деб ёзилган кўрсатмаларнинг ҳам эълон қилиниши бутун жаҳон афкор оммаси олдида АҚШ маъмуриятининг тамомила қабиҳлик ва иккиюзламачиликка асосланган агрессив сиёсатини фош қилиб ташлади. Жон Андерсоннинг ёзишича, бу ҳужжатларни унга Оқ уй махсус оператив группасининг кенгашида қатнашган юқори мартабали амалдорлардан бири берган. Шу кеча-кундузда Оқ уй, Пентагон ва давлат департаменти раҳбарлари соқов бўлиб қолишди; улар эълон қилинган ҳужжатларни изоҳлашдан бош тортишяпти. Лекин жаҳон жамоатчилиги Оқ уйда чақирилган ғоят махфий кенгаш материалларидан хабардор. Радио, телеграф ва газеталар бу материалларни, шарҳловчиларнинг мақолаларини эълон қилмоқдалар. Биргина АҚШнинг ўзида 22 папкадан иборат Жон Андерсон ихтиёридаги материаллар радио ва бир қанча телевидение станцияларидан ташқари 700 дан ортиқ газета саҳифаларида эълон қилинib турибди.

Ғ. АҲМАДЖОНОВ.
тарих фанлари кандидати, доцент.

РАССОМ ХАНДАСИ

— Уғлим, соч-соқолингни олдирсанг бўлмайдими? Жуда алланечук бўлиб кетибсан-ку.
— Отажон, сиз тушунмайсиз, бу янги мода.

Қиз — Сизга турмушга чиқсам қўлингизни совуқ сувга ҳам теккизмайман.

...Тўйдан кейин.

Сизда мувозанат сақлайдиган дори топиладими, ўртоқ!
Н. Отаев расмлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ПЕЛЕ — КИНОАКТЕР

Машҳур футбол қироли Пеле янги йилдан бошлаб янги ишга киришиб кетди. Бразилия телестудияси билан тузилган шартномага мувофиқ, Пеле 26 серияли детектив фильмда полиция изкувари ролини ўйнамоқда.

ФОЛБИНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ҳозир Италияда 16 мингдан зиёд тақдирни олдиндан айтиб берувчи фолбин мунажжимлар бор. Яқинда улар Полермо шаҳрида конгресс ўтказишмоқчи. Конгресс—анжуманда «Башорат фанлари академияси»ни тузиш масаласи кўрилади.

БОШМА-БОШ

Айрим газетхонларнинг илтимосига кўра, Аляска (АҚШ)да чиқадиган «Кондан трибюн» газетасининг редакцияси обуна баҳосини қуритилган балиқ билан тўлашлари мумкинлигини маълум қилди.

МАЙДОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

Польшанинг «Харнам» тўқимачилик комбинатида аёллар футбол командаси тузилди. Маҳаллий «Лодзь» ва «Влокнярж» клублари футболчиларининг ниҳоятда суст ўйнаётгани туфайли хотин-қизлар ўз командаларини тузишга қарор қилишган. Биринчи ўйинда аёллар командаси комбинат маъмурияти вакилларидан тузилган футбол командасини «тормор» келтирди.

ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН

Жамоатчилик орасида ичиб, тўпалон қилгани учун АҚШнинг Монтана штати фуқароси ҳибсга олинди. Аммо ундан фақат жарима ундириб, қўйиб юборишди. Афтидан, кампирга нексалиги важидан бошқа жазо берилмаган. Чунки қариганида қуйилмаган бу кампир 108 ёшни уриб қўйган экан.

ТОМОШАЛАР. ЭЪЛОНЛАР. РЕКЛАМАЛАР.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
16 январь кундуз соат 3 да кеч соат 8 да
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ТАЛАБИГА
БИНОАН
ЯНГИ ЙИЛ

КАТТА КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Таваккал ҚОДИРОВ, Жалолхон ОХУНОВ, Олмахон ҲАЙТОВА, Тамара ЮНУСОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ.
Солистлар — Фахритдин УМАРОВ, Хайрулла ПУТФУЛЛАЕВ, Нурхон УМАРОВА (Қўқон), Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Азиза ТУЛАГАНОВА Ҳалима ХОЛБОБОЕВА (Маргилон), Зайнобиддин ЮСУПОВ, Хасан ИУЛДОШЕВ, Ғуломжон ва Абдулла ҒОФУРОВлар.
БУТУНИТТИФОҚ ТЕЛЕВИДЕНИЕ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ
«ЯЛДА» АНСАМБЛИ
(Замонавий ўзбек халқ қўшиқлари).
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани Ҳусан ШАРИПОВ ва Ғулом ТОЖИ-АЪЛОЕВлар олиб боради.
Билетлар Свердлов номли ва «Юбилей» зали кассаларида соат 2 дан сотилмоқда.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. 9.35 — Болалар учун кинофильм, 10.00 — Биринчи учлик (телеспектакль), 11.00 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ, 17.00 — Мультфильм, 17.10 — Ахборот, 17.20 — Истиқбол эгалари, 18.00 — МОСКВА. Киносаёҳатчилар клуби, 19.00 — АҚШ. Сиёсат ва проблемалар, 19.30 — ТОШКЕНТ, 19.50 — Концерт, 21.00 — МОСКВА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 16.45 — МОСКВА, 18.00—ТОШКЕНТ. 18.30 — Кинофильм, 19.30 — Кинопанорама, 21.00 — Цирк томошалари, 22.00 — Аршин мололон (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.45 — ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

17 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Гулхан» журнали саҳифаларида, 13.25 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув, 19.00 — Телефильм, 19.30 — Оламда нима гап? 20.00 — Телеочерк, 20.30 — Ахборот, 20.45 — Зўраки табиб (телеспектакль) 22.00 — «ВАҚТ», 22.30 — Концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 — МОСКВА, 20.00 — ТОШКЕНТ, 20.30 — МОСКВА, 21.30 — Жаҳон халқлари ижоди, 22.10 — Фильм-балет, 22.30 — Хокней: «СПАРТАК» — ЦСКА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/I да Семург, (кундузи), Риголетто (кечқурун), 18/I да Лайли ва Мажнун.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/I да Афсона яратган қиз (кундузи), Олтин девор (кечқурун), 18/I да Аяжонларим (кундузи), Табассум ўғрилари (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/I да Хотинимнинг эри, 17/I да Тошболта ошиқ.

КИНО

Россия империясининг салтанати ёки яна қўлга тушмас қасоскорлар — САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК», «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Севилмаган — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА», «ҲАМЗА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Хавфли душман — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) ,«МОСКВА» (эрталаб соат 11.40 минут ва кеч соат 7 да).

Мен терговчи — «СПУТНИК» (кеч соат 9 да).

Ўғирлик — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ »(тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Ёшлар — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч соат 9 да).

Еввойи қалб — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

12 стул — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИРРИГАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
кафедра профессорлари ёки доцентлари: КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, совет ҳуқуқи, қишлоқ хўжалигидаги жойларни планлаштириш, назарий механика;
кафедра катта ўқитувчилари: гидрология, сув энергиясидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги машиналари, инженерлик геодезияси, жисмоний тарбия;
кафедра ассистентлари: КПСС тарихи, гидрология, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти, инженерлик конструкциялари, физика (2), гидромелиоратив ишларни ташкил қилиш ва технология;
кафедра ўқитувчиси: жисмоний тарбия.
Конкурс муддати — 6 февралгача.
ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент шаҳар, Қориниёзов кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлимига юборилсин.

«УЗГЛАВМАШСНАБСБИТ»НИНГ МАНДА УЛГУРЖИ «ИНСТРУМЕНТ» МАГАЗИНИ
(«Халқлар дўстлиги» проспекти, 9-уй)
корхоналар, қурилиш ташкилотлари, мактаблар, илмий-текшириш муассасалари ва бошқа ташкилотлар диққатига шуни билдиradики, фондсиз қуйидаги асбобларни: электр асбоблар: ҳар хил маркали 220, 36в пармалар, сайқал берувчи машинкалар, вибраторлар, болғалар, трамбовкалар, randалар; биноларга бўёқ берувчи аппаратлар ва бошқа электрлаштирилган ва пневмо асбоблари
СОТАДИ
Станокларга керакли қисмлар бор.
Асбоблар чек билан ёки олдиндан тўлаш йўли билан сотилади.
Харидорнинг хоҳиши билан харид қилинган асбоблар магазин автомашинаси ёрдамида етказиб берилади.

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА «УЗНИИПРАДОСТРОИТЕЛЬСТВО» ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИГА
(Навоий кўчаси, 18-уй, телефонлар: 39-41-78, 39-41-70)
архитекторлар, инженерлар; қурувчи ва иқтисодчилар, шаҳарларни шаҳар ичидаги ва темир йўл транспорти шовқинидан сақлаш бўйича, ҳисобловчи-математиклар: юқори малакали электрончи-инженерлар
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26, Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683 Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия гурмуши — 333469 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт —337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780 Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143. 333553 Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330156, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 36—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44.
Б. — 13. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р 01137.